

O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI

VOL. 1 ISS: 12 (2024)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN  СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА 



TOSHKENT DAVLAT
IQTISODIYOT UNIVERSITETI



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS



№	MUNDARIJA	
1.	ЎЗБЕКИСТОН СУҒУРТА БОЗОРИДА ВОСИТАЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ Матиязова Санобар Ражаббайовна	1
2.	СУҒУРТА БОЗОРИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ Жакбаров Сардор	4
3.	ТАКОФУЛ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ Абдуллаев Равшан Вахидович, Дадабаев Умиджон Абдусамат ўғли	7
4.	ЎЗБЕКИСТОНДА СУҒУРТА МАҲСУЛУТИНИ СОТИШ КАНАЛЛАРИНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ Абдимўминова Саодат Тахиржонова	10
5.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАЛАБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович	13
6.	O'ZBEKISTONDA SPORT SOHASINI MOLIYALASHTIRISHNING TASHKILIY-IQTISODIY JIHATLARI M.N.Mamatov	16
7.	SUVEREN KREDIT REYTINGNING MAMLUKAT MOLIYASIGA TA'SIRI Tog'ayniyazov Shohzodbek Ural o'g'li	19
8.	VENCHUR FONDLARINI TASHKIL ETISH: JARAYON VA STRATEGIYALAR Talapova Nargiza Baxriddinovna	21
9.	ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ Имомов Хамдилла Хамдамович	24
10.	MILLIY IQTISODIYOTDA MAHALLIY BYUDJETLAR DAROMADLARINI SHAKLLANISHDA HUDUDLAR IQTISODIY VA INVESTITSION SALOHİYATININIG NAZARIY ASOSLARI Yusupov Ruslan	27
11.	LOGISTIKA VA TA'MINOT ZANJIRI JARAYONLARINI INTEGRATSIYALASH UCHUN MOLIYAVIY BOSHQARUV STRATEGIYALARI Maxmudov Samariddin Baxriddinovich	31
12.	MDH MINTAQASIDA TRANSPORT SOHASIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA EOII TRANSPORT INTEGRATSIYASINING TASHQI OMILLARI VA XAVFLARI Xo'jayev Fazliddin Elmurodovich	35
13.	COMBATTING THE SHADOW ECONOMY AS AN IMPORTANT DIRECTION OF ECONOMIC POLICY FOR AN INCLUSIVE DEMOCRATIC SOCIETY (EXPERIENCE OF CENTRAL ASIAN COUNTRIES AS AN EXPAMPLE) Norbaev Tura, Abduraufov Jaloliddin	37
14.	EVROOSIYO IQTISODIY HAMJAMIYATI BILAN IQTISODIY HAMKORLIK MUNOSABATLARINI TASHKIL ETISH TAMOIYILLARI Hamdamova Nilufar Hamdullo qizi	42



ТАКОФУЛ РИВОЖИНИНГ ТАРИХИЙ ЖИХАТЛАРИ ВА ТАРҚАЛИШ ГЕОГРАФИЯСИ

Абдуллаев Равшан Вахидович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори, иқтисод фанлари доктори, Тошкент, Ўзбекистон,

ORCID: 0000-0003-339-7602

email: rovshan.v.abdullaev@gmail.com

Дадабаев Умиджон Абдусамат ўғли

Тошкент давлат иқтисодий университетининг доценти, Тошкент, Ўзбекистон,

ORCID: 0000-0001-7143-2351

email: u.dadabayev@tsue.uz

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
<p>Volume: 1 Issue: 12 DOI: https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss12/222</p>	<p>Ушбу мақолада Такофул (Исломий суғурта) тизимининг пайдо бўлиши, унинг тарихий ривожланиш йўналишлари ва дунё бўйлаб тарқалиш географияси таҳлил қилинади. Такофулнинг қадимги Исломий анъаналарга асосланганлиги, унинг суғурта бозоридаги ўзига хослиги ҳамда барқарор ривожланишга қўшадиغان ҳиссаси ёритилади. Шунингдек, Малайзия, Яқин Шарқ ва бошқа минтақалардаги амалиёт ва дастурлар мисолида такофулнинг дунё миқёсидаги аҳамияти кўрсатилади.</p>
<p>KEYWORDS</p>	<p><i>Такофул, Исломий суғурта, тарихий ривожланиш, Ислом молияси, барқарор ривожланиш, Малайзия, Яқин Шарқ, молиявий инновация, суғурта бозори, географик тарқалиш.</i></p>

Кириш (Введение/Introduction)

Инсонлар ўртасида юз берадиган иқтисодий ва молиявий муносабатларга шариат нуқтаи назаридан баҳо бериш ва уларни ислом ҳуқуқи аҳкомлари асосида тартибга солиш, бевосита, Арабистон ярим оролида Ислом динининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир.

Такофул (арабча تکافل - ўзаро қамал бўлиш, ўзаро қайгуриш) шариатнинг ислом банк иши билан боғлиқ жиҳатларини чуқур таҳлил қилади. Такофул асосида “табарру” таълимоти ётади ва мазкур сўз араб тилидан олинган бўлиб, «эзулик», «ҳадя», «хайрия» маъноларини англатади. Бинобарин, ҳар бир суғурталанувчи такофул шартномасининг бошқа иштирокчиларига, лозим ҳолларда, самимий ва бегараз ёрдам кўрсатиш ниятига эга бўлишлари керак.

Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review)

Такофулнинг назарий жиҳатлари бўйича М.Билал томонидан ёзилган “Ислом суғуртаси (Такофул): Кириш” (Islamic Insurance (Takaful): An Introduction) китоби асосий манба ҳисобланади [1]. Бу китобда Такофул тизимининг асосий тамойиллари, унинг Ислом молиясидаги аҳамияти ва ҳуқуқий асослари кенг ёритилган.

Шунингдек, “Handbook of Islamic Banking” манбаси Такофулнинг Ислом банк иши билан боғлиқ жиҳатларини чуқур таҳлил қилади [2]. Таниқли олим М.Айюб томонидан ёзилган “Understanding Islamic Finance” асарида эса Такофул тизимининг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлари кенг ёритилган [3].

Глобал миқёсда Такофулнинг тарқалиши бўйича икки олим М.Молик ва М.Абдуллоҳ томонидан ёзилган “Takaful and Mutual Insurance: Alternative Approaches to Managing Risks” асари муҳим манба ҳисобланади. Мазкур асарда Малайзия ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги Такофул амалиёти таҳлил қилинган [4].

Такофулнинг молиявий инновациялар орқали барқарор ривожланишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида М.Ал-Суламин томонидан ёзилган “Такофул орқали барқарор ривожланиш” (Sustainable Development through Takaful) асари фанга муҳим маълумотлар тақдим этади [5].

Тадқиқот усуллари (Методология/Methodology)

Тадқиқотни амалга оширишда эмпирик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси (Анализ и результаты/Analysis and results)

Иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг ажралмас таркибий қисми бўлган суғурта муносабатларига оид масалалар тарихи кишилик жамиятининг натурал ҳўжалиқдан товар ишлаб чиқаришга ўтиш даврига бориб тақалади.

Ислом оламида суғуртанинг замонавий шаклига монанд муносабатлар биринчи бор қаерда ва қачон қайд этилгани тўғрисида аниқ маълумотларни келтириш мушкул вазифа ҳисобланади. Аммо, бир қатор тадқиқотчилар томонидан билдирилган мулоҳазаларга кўра, суғурталашнинг айрим турлари Арабистонда исломгача бўлган даврларданок маълум бўлган. Хусусан, жоҳилият даврида араблар орасида кенг тарқалган “дия”, яъни ўлдирилган жон эвазига тўланадиган ҳақ, суғуртанинг илк шакллари билан саналади [6].

Куръони каримнинг “Нисо” сураси 92-оятда шундай дейилган: “Ким бир мўминни хато туфайли ўлдириб қўйса, унга бир мўмин қул озод қилиш ва (ўлик) ахлига хун тўлаш вожиб бўлур” [7]

Шариатнинг асосий манбаларида суғурталашнинг жоиз ёки ножоизлиги ҳақида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Ислом ҳатер ва ноаниқликнинг ўзини ман этмайди, балки олди-сотди шартномасидан фойдаланган ҳолда, сотув ва айирбошлаш хатарини бошқа шахсга ўтказишни тақиқлайди. Аксарият мусулмон фикшшунослари анъанавий суғурталаш ман этилган (харом) ҳисобланади, деган нуқтаи назарни маҳкам тутадилар [8].

Шунингдек, мусулмон дунёсида аксарият олимлар ислом дини арконларидан бири ҳисобланган “закоат” ҳам суғурталашнинг ўрнини

боса олгани ва у бекиёс ижтимоий аҳамиятга эгаллигини этироф этишади. Жумладан, Юсуф Қардовий таъкидлашича, ҳар қандай закот фондида қарзга ботиб қолган ночор мусулмон бандани қарздан ҳалос қилишга аталган махсус банднинг борлиги исломда сугурталашнинг диққатга сазовор бўлган энг муҳим жиҳатларидандир [9]. Шу билан бирга, унинг фикрича, исломда “байт ал-мол”да тўпланадиган “закот”, “ушр”, “хумс”, “жизя”, “хирож” каби барча солиқ турлари, пировардида, мусулмон умматининг оғирини енгил қилишга, бошига тушган қулфатини бартараф этишга қаратилган бўлиб, бир сўз билан айтганда, “байтул-мол” давлат ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос самарали шакли сифатида намоён бўлган.

VIII-IX асрларда савдогарларнинг қарвонлари манзилларига етгунича қўриқлаш хизматлари каби фаолиятлар ҳозирги сугурта муносабатларига замин яратган. Халифалик даврида, шунингдек, қарздорликни кафолатлаш ёки гаров сифатида бирор-бир кийиматга эга буюмни қўйиш каби шартномалар бўлганки, буларнинг барчаси бугунги кундаги исломий сугурталашнинг сарчашмаси эканидан далолатдир [10].

Ислом молияси ва сугурта иши бўйича таниқли олим Афзал ар-Рахмон ўзининг “Банк иши ва сугурта” китобида, айнан, ўрта асрларда Арабистон ярим оролида фаолият юритган савдогарлар ўзаро ёрдам фондлари ташкил этишгани ва улар ичидан кимдир қароқчиларга учраб ёки бошқа кўнгилсиз воқеалар оқибатида зарар кўрса, уни фонд ҳисбидан қоплаб берилгани ҳақида ёзади. Шунингдек, ушбу фонддан вафот этган савдогарлар оилалари ҳам қўллаб-қувватлангани таъкидланади. Маълумки, Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) ҳам шу каби сугурта тизимида иштирок этган [11].

Ўрта асрларда савдо-сотикнинг жадал ривожланиши ва денгизлар оша ўзга юртларга ёйилиши натижасида, сугуртанинг денгиз турлари юзага келди. Бундан араб тужжорлари ҳам бенаиб қолмади, албатта. Маълумки, XII асрлардан бошлаб денгиз сугуртаси амалиётга фаол кириб кела бошлади. Тадқиқотчи Дж.Тримингэм фикрича, мусулмон оламида сугурта фаолияти билан биринчи бўлиб расман шугулланган жамоа - бу “козерунийя” сўфийлик тарикати аъзолари ҳисобланади. Ушбу жамоанинг асосчиси шайх Умар ибн Абдул Фараг ал-Козеруний бўлиб, улар Ҳиндистон ва Хитойга йўл оладиган кемалар учун денгиз сугуртасини амалиётга жорий қилишган [12].

XVIII аср охирларига келиб, ислом оламида биринчи бор тижорий сугурта масалаларига оид фатво эълон қилинган, денгиз савдоси билан шугулланадиган мусулмонлар ундан нафақат бохабар бўлганлар, балки унга қатъий риоя қилганлар. Аммо, диний уламолар ичида биринчи бўлиб денгиз сугуртасига шариат нуктаи назардан ҳуқуқий баҳо берган таниқли Ҳанафий мазхаби фақиҳи Ибн Обидин (1784-1836) мазкур амалиётни ножоиз деб баҳолаган [13].

Туркияда Усмонийлар Империяси даврида сугуртачилар фаолиятининг тобора кенгайиб бориши натижасида, 1905 йилда “Сугурта компаниялари ҳақида Қонун” қабул қилинган. Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қонуларда ислом ҳуқуқи талаблари ўз аксини топмаган эди. Ўша даврда океан ортида эса, америка сугурта компанияси “American Mutual Life Insurance” мамлакат Бош муфтийси шайх Мухаммад Абдуга ҳаётни сугурта қилиш шариат нуктаи назардан жоиз ёки ножоиз экани ҳақидаги савол билан мурожаат қилганда, шайх ҳаётни сугурта қилиш битимини жоиз деб эълон қилган [14]. Аслида эса, ушбу масала, яъни инсон ҳаётини сугурталаш исломда жумхур уламолар томонидан тақиқланган.

Маълумки, анъанавий сугурталашнинг бош мақсади - сугурта фаолиятидан фойда олишдир. Албатта, бундан сугурталанувчи ҳам манфаатдор, чунки мазкур сугурта унинг фаолиятидаги риск (хатар) даражасини пасайтиради ва уни эҳтимолий банкротликдан асрайди.

Исломий сугурта ҳақида сўз борганда, табиий савол туғилади: анъанавий сугурта ва такофул ўртасида қандай фарқ бор ўзи, уни жорий этишдан манфаат борми? Ҳа албатта, фарқ ҳам бор, манфаат ҳам бор. Улар ўртасидаги асосий тафовутлар қуйидагилардан иборат:

- Исломий сугуртада такофул иштирокчилари, аини дамда, ҳам сугурта қилдирувчи, ҳам ўзаро сугурталовчи мақомида бўладилар. Сугурта компанияси эса, фақат агент сифатида фаолият юритади, ҳолос.

- Инвестицион лойиҳаларга киритган маблағлардан келган фойда анъанавий сугуртада бўлгани каби сугурта компаниясининг мулки ҳисобланмай, сугурта иштирокчилари ўртасида, уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

- Бахтсиз ҳодисалар рўй берган ҳолатда, сугурта қопламалари тўлаб берилади, қолган маблағлар эса жамғарма иштирокчилари ўртасида тақсимланади.

- Такофул нафақат соф хатарлардан сугурталашни таъминлайди, балки бахтсиз ҳодисалар рўй бермаган тақдирда, сугурта иштирокчиларига муайян фойда ҳам келириши мумкин.

Бугунги кунга келиб исломий сугурта такофул ислом банклари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ислом молия институтлари бухгалтерия ҳисоби ва аудити ташкилоти (AAOIFI) томонидан 2005 йилда чоп этилган 26-сонли стандарт - “Исломий сугурта (Такофул)” ҳозирда барча ислом банклари учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда [15].

Исломий сугуртанинг ўзаро ёрдам жамғармалари шаклидаги илк кўринишлари 50-йиллар охири 60-йиллар бошларида Покистонда кузатишган. У ердаги фермерлар ҳар йили у ёки бу кўринишда юз берадиган табиий офатлардан азият чекардилар, натижада айрим фермерлар бор бутидан ажралиб, қарзга ботиб қолардилар. Моҳиятан такофулга жуда яқин бўлган мазкур жамғармалар эса қайсидир маънода фермерларга ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя вазифасини адо этган.

Ўзаро ёрдамнинг анъанавий шакллари мавжудлигига қарамай, ислом сугуртасини расмийлаштириш ва институционал тарзда ривожлантириш зарурати XX асрнинг 70-йилларига келиб яққол намоён бўла бошлади. Дунёда биринчи расмий такофул компанияси 1979 йилда ташкил этилган Судан ислом сугурта компанияси (Islamic Insurance Company of Sudan) ҳисобланади. Унинг ташкил этилиши мамлакатда мусулмон жамиятининг шариат меъёрларига мос келадиган сугурта хизматларига бўлган эҳтиёжга жавоб бўлди.

Суданда амалга оширилган ишлардан сўнг бир қатор бошқа мамлакатлар ҳам сугуртанинг шу каби тури, яъни такафулга бўлган қизиқиш янада ортди. 1981 йилда Женевада “Dar al-Maal al-Islami” компанияси, 1983 йилда эса “Люксембург исломий такофул компанияси” (Islamic Takaful Company of Luxembourg) ва “Баҳрайн исломий такофул компанияси” (Bahrain Islamic Takaful Company) ташкил этилди. Шундай қилиб, 1970 йилларнинг охиридан бошлаб, такафул тизими дунёнинг турли минтақаларида кенг тарқалди, маҳаллий шароит ва мусулмон аҳолисининг эҳтиёжларига мослашди. Бугунги кунда такофул ислом молия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, анъанавий сугурта маҳсулотларига муқобил сифатида таклиф этилиб, адолат ва ўзаро ёрдам тамойилларига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

1-жадвал²

№	Кўрсаткич	Қиймат	Йиллар
1	Жаҳон такафул бозорининг жорий ҳажми	33,90 млрд АҚШ долларлари	2023 йил
2	Жаҳон такафул бозорининг башорат қилинаётган ҳажми	61,02 млрд АҚШ долларлари	2030 йилга қадар
3	Такафул сугурта бозорининг ўртача йиллик ўсиш суръати	11–13%	2024–2030 йиллар
4	Такафулнинг исломий молиявий активлардаги улуши	2% (73 млрд АҚШ долларлари)	2021 йил
5	Такафул секторининг ўсиши	17%	2021 йил

Жаҳон такофул бозори анъанавий молия тизимидаги сугурта сегментига муқобил ўлароқ жадал суръатларда ривожланиб бораётган соҳалардан саналади. Қуйидаги 1-жадвалдан кўриниб турибдики, бугунги кунда жаҳон такафул бозорининг жорий ҳажми 33,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этади ва бу кўрсаткич 2030 йилга бориб, деярли, икки бараварга ошиши ва 61 млрд. долларга етиши башорат қилинмоқда. Бу эса унинг йиллик ўсиш суръати 11-13% атрофида бўлишидан далолатдир. Таъкидлаш жоизки, такафулнинг исломий молиявий активлардаги улуши ҳозирда 2 фоиз, яъни 73 млрд. долларни ташкил этади ва халқаро мутаассислар фикрига кўра, унинг ҳиссаи тобора ўсиб бориш тенденциясига эга бўлади.

Жаҳонда такофулнинг қай даражада ривожланаётгани унинг тарқалиш географиясида яққол намоён бўлади. Қуйида такафулнинг тарқалиш географияси ва ривожланишини минтақалар кесимида кўриб чиқамиз:

Саудия Арабистони ва Судан минтақада такафул соҳасида етакчи давлатлар ҳисобланади. Халқаро экспертлар ҳисоботида кўра,

2023 йилда жаҳон такафул бозори ҳажми 33,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб у 61,02 миллиард АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Бу эса 2024 йилдан 2030 йилгача бўлган давр ичида ўртача йиллик ўсиш суръати 9,4 фоизни ташкил этишини аниқлаётди.

Малайзия давлат даражасида исломий сугуртани жорий этган дастлабки мамлакатлардан бири бўлди. 1984 йилда Такафул тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва ўша йили биринчи давлат исломий сугурта компанияси “Syarikat Takaful Malaysia Berhad” ташкил этилди. Малайзия модели дуалистик тизим билан тавсифланади, бунда исломий ва анъанавий сугурта компаниялари тенг шароитларда рақобатлашади. Бу инновацион маҳсулотларни ривожлантиришга ва исломий сугурта соҳасида хизматлар сифатини оширишга қўмаклашади. Маълумотларга кўра, 2007 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда жаҳон такафул бозорининг ўсиши ҳар йили 28 фоизга етди. Малайзияда бу кўрсаткич 20 фоизни, Индонезияда 33 фоизни, Яқин Шарқда 30 фоизни ташкил этди.

Покистон ва Нигерияда такафулнинг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Покистонда шариат меъёрларига мос келадиган кенг қўламли сугурта маҳсулотларини таклиф этувчи бир нечта такафул операторлари фаолият юритмоқда. Аҳолисининг катта қисми мусулмонлардан иборат бўлган Нигерияда ҳам исломий сугуртани ривожлантириш, шу жумладан маҳаллий эҳтиёжларга йўналтирилган ихтисослашган компаниялар ва маҳсулотларни яратиш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Европанинг ва Американинг мусулмон бўлмаган мамлакатларида ҳам такафул маҳсулотларининг жорий этилиши кузатилмоқда. Буюк Британия ва АҚШда ҳам мусулмон аҳолисига, ҳам ахлоқий молиявий маҳсулотларга қизиқиш билдирган барчага мўлжалланган исломий сугуртани таклиф этувчи компаниялар фаолият юритмоқда. Бу эса такафулнинг жаҳон миқёсида тан олинishi ва турли маданий ҳамда иқтисодий шароитларга мослашувини кўрсатади.

Европа ва Американинг мусулмон бўлмаган мамлакатларида ҳам такафул маҳсулотларини жорий этиш кузатилмоқда. Буюк Британия ва АҚШда мусулмон аҳолисига ҳамда ахлоқий молиявий маҳсулотларга қизиқувчи барча инсонларга мўлжалланган исломий сугуртани таклиф этувчи компаниялар фаолият юритмоқда. Бу эса такафулнинг глобал миқёсда тан олинishi ва турли маданий ҳамда иқтисодий шароитларга мослашадиганидан далолат беради.

Шундай қилиб, такафул тизими бутун дунё бўйлаб кенг тарқалди, маҳаллий шароит ва эҳтиёжларга мослашди ҳамда

анъанавий сугурта маҳсулотларига муқобил сифатида таклиф этилиб, фаол ривожланишда давом этмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми ислом динига эътиқод қилишини ҳисобга олган ҳолда, такафулнинг жорий этилиши шариат меъёрларига мос келадиган сугурта хизматларига бўлган эҳтиёжни қондириши мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда исломий молия хизматларига, жумладан такафулга қизиқиш ортиб бормоқда. 2024 йил октябрь ойида Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчихонасида Малайзиянинг исломий сугуртага ихтисослашган компаниялари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Малайзиянинг такафул тажрибасини Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари муҳокама қилинди. Малайзиялик экспертлар мамлакатда исломий сугуртани ривожлантириш учун катта салоҳият мавжудлигини, тадбиркорларнинг бундай хизматларга қизиқиши ортиб бораётганини таъкидладилар.

Хусусий сугурта компанияларида такафул хизматларини босқичма-босқич жорий этиш, шунингдек, давлат сугурта компаниялари доирасида алоҳида такафул маҳсулотларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, “Syarikat Takaful Malaysia Berhad”, “Takaful Ihlas Berhad” ва “Etihad Takaful Berhad” каби Малайзия сугурта компаниялари билан ҳамкорлик қилиш имконияти кўриб чиқилмоқда.

Хулоса (Заключение/Conclusion).

Такофулнинг ривожланиш тарихи исломий тамойилларнинг замонавий молия тизимига муваффақиятли кириб боришини кўрсатади. Шунингдек, унинг дунё бўйлаб тарқалиш географияси ҳам тобора кенгайиб боратганини яққол намоён этмоқда. Ўзбекистонда исломий сугуртанинг жорий этилиши аҳолининг диний эътиқодларига мувофиқ эҳтиёжларини қондириш учун янги имкониятлар яратади, шунингдек, мамлакат молия секторининг ривожланишига ҳисса қўшади. Таъкидлаш жоизки, Такофулнинг ривожини маҳаллий сугурта бозорларини диверсификациялашга ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий адолатни мустаҳкамлайди ва барқарор иқтисодий ўсишга хизмат қилади. Шунингдек, Ислмо молиясига асосланган такафул тизимининг тарқалиши, мамлакатларда молиявий инклюзияни ошириш, ижтимоий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ва фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янги имкониятлар яратади.

References:

1. Billah, M. M. (2017). *Islamic insurance (Takaful): An introduction*. Springer.
2. Khan, F. (2011). *Handbook of Islamic Banking*. Edward Elgar Publishing.
3. Ayub, M. (2007). *Understanding Islamic finance*. Wiley.
4. Malik, M., & Abdullah, M. (2014). *Takaful and mutual insurance: Alternative approaches to managing risks*. Wiley.
5. Al-Sulami, M. (2016). *Sustainable development through Takaful*. Routledge.
6. Беккин Р.И. Исламское страхование (такафул). Казанский Университет. 2012.
7. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Кифоя. III ж. “ШАРҚ”, Т.: 2011.
8. Байдаулет Е.А. Исламий молия асослари. “Ўзбекистон”, Т.: 2019.
9. Абдуллаев Р.В., Дусанов С.М. Ислмо иқтисодиётида молиявий муносабатлар. Т.: “Тошкент ислмо университети”, 2007.
10. Afzal ur-Rahman. *Banking and Insurance (Economic Doctrines of Islam)*. London, 1979. Vol. IV. P. 32.
11. Тримингэм Дж. Суфийские ордены в исламе. М., 2002. С. 312.
12. Исламское страхование (такафул). Шариатский стандарт № 26. “Исламская книга”, М.: 2010.
13. Source: <https://www.mordorintelligence.com/ru/industry-reports/global-islamic-finance-market.com> “Анализ размера и доли исламского финансового рынка – тенденции роста и прогнозы (2024–2029 гг.)”
14. <https://web.snauka.ru/issues/2015/03/50627> “Исламское страхование – такафул”
15. https://www.verifiedmarketreports.com/ru/product/takaful-market/?utm_source=chatgpt.com/ Глобальный рынок такафула по типу (жизненный/семейный такафул, общий такафул), по применению (семейный, государственный), по географическому охвату и прогнозу...